

# ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 12

Тошкент вилояти

“28 ОКТЯБРЬ” 2022 йил

«CHINOBOD NEFT BAZASI» МЧЖ (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан Низом асосида иш юритувчи бошлиғи **Муржанов Сайдахмат Тойчиевич** бир томондан «URGANCN QUVUR TA’MIR» МЧЖ (кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритилади) номидан Низом (Устав) асосида иш юритувчи корхона рахбари **Исмаилов Хушнуд Адилбекович** иккинчи томондан, (ЛОТ №22120012160265) «PBC-2000 м<sup>3</sup> хажми №23, №24, №25, №26 сонли, PBC-1000 м<sup>3</sup> хажми 27-сон, РГС-75 м<sup>3</sup> хажми 1-сондан 22-сонгача РГС-75 горизонал сизимларни коррозияга қарши (**анткоррозия**) бўяи, ҳудуддаги зиналар, нарвонлар, траплар, тўсиқлар, технологик қувулар, қўйии тўкии мосламаларини бўёқлаш ишларини «CHINOBOD-2 NEFT BAZASI» худудида бажаришига доир мазкур пудрат шартномасини туздилар..

## I. ТАЪРИФЛАР

1. Мазкур шартномада кўйидаги таърифлар кўлланилади:

**ижро ҳужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда обьект (куриш, қайта куриш ва мукаммал) таъмирига ишчи чизмалар туркуми, ер ишларида тегишли ташкилотлардан холосалар, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошка ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидларида назарда тутилган бошка ҳужжатлар;

1.2 **беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

1.3 **шартнома нархини бўлиб чиқиши** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома бўйича обьектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

## II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1 Пудратчи мазкур шартнома бўйича обьектда курилиш ва таъмираш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни қабул қилиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

## III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1 Мазкур шартнома бўйича «Пудратчи» томонидан бажариладиган, 2022 йил 13 октябрдаги йигилиш баёни билан тасдиқланган ишлар қиймати ушбу обьект тўлақонлигигача фойдаланишга топширилишида ҚҚС билан 795 000 000 (**Етти юз тўқсан беш минг**) сумни ташкилотида.

3.2 Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, кўйидаги холлар бундан мустасно:

3.3 обьектнинг қайта куришишлари қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;

3.4 амалдаги қонунчиликка ўзгартириш киритилиши натижасида, шартномада кўрсатилган суммага қонунчиликка мувофиқ ўзгартириш киритиш зарур бўлган холларда; ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

## IV. ПУДРАТЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларини сўзсиз бажаради

4.2 Мазкур шартнома бўйича Пудратчи, шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

4.3 Объектдаги қурилиш ишлари бошланишдан олдин обьектда қурилиш ва таъмираш ишларини олиб бориши даври учун, буюртмачи иштирокида қурилиш ва таъмираш ишлари бўлаётган ва ундаги мавжуд элементларини далолатнома асосида обьектдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмираш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи томонидан қурилиш ишлари олиб бориляётган даврда ушбу обьект қисмидаги элементларини саклаш ишларини амалга оширади;

4.4 Ушбу қурилиш обьектини қуриш даврида электр энергияси, сув ва табиий газдан фойдаланиш зарурини бўлган тақдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартномона тузиш, тўловларини амалга ошириш, зарур ҳолларда айрим иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланилиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойихачи ташкилотнинг тегишли холосаси асосида амалга оширилиши мумкин, ҳар қандай иш туридаги ушбу ўзгаришлар юзасидан Буюртмачини хабардор қилиш;

4.5 смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларида кўзда тутилган маблағлардан амалда

иктисод килинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича қурилиши мумкин ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун объектнинг умумий қўймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турлари танлов иш ҳажмларида бўлса нархлари танлов нархларидан олиниши, агарда танловда бўлмаса смета-хужжатларидаги нархлардан олиниб, бажарилган ишлар ҳисоб-фактурасида кўрсатилиши лозим.

4.6. объектнинг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқ сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

4.7 шартнома шартларига асосан объектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ топширади;

4.8 барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қоидалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топширади;

4.9. объектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошқа хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни кабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни амалга оширади;

4.10. зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вактингчалик иншоотлар қуради;

4.11. қурилиш майдонида техника ва ёнгин хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф мухитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

4.12. мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вактингчалик биноларни бўшатади;

4.13. қурилиш майдони кўрикланишини таъминлайди;

4.14. Ойма-ой ёки бир ой давомида бажарилган қурилиш ва таъмираш ишлари юзасидан мониторинг ҳолатда ҳисоб-фактурасини ойнинг 25 санасигача Буюртмачига тақдим қиласди;

4.15. Объектда қурилиш ва таъмираш ишлари тўликтутагатилгандан кейин бажарилган қурилиш ва таъмираш ишлари юзасидан ҳисоб-фактурани тўлиқ тақдим қиласди;

4.16. мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.17. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавобгар ҳисобланади.

4.18. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл кўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган иш ҳажмларига тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

4.19. Пудратчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларнинг барча ҳажмини шахсан ўзи бажаради, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно;

4.20. Шартномада назарда тутилган ишларнинг тўлиқ ҳажмига кўра 70% кам бўлмаган миқдорини ўзи ва қолган 30% дан ошмаган қисмини ёрдамчи пудратчи томонидан амалга оширилишига руҳсат беришини сўраб “Чинобод нефт базаси” МЧЖ директорига қилинган мурожаатга кўра ундан розилик хати олинганда;

4.21. Пудрат ташкилоти юкорида таъкидлаб ўтилган “Розилик хати”ни олиш учун, умумий иш бошланишидан олдин “Чинобод нефт базаси” МЧЖ директорига “Мурожаатнома” билан мурожаат қилиши шарт;

4.22. Мазкур мурожаатномага ёрдамчи пудратчи ташкилотига доир ҳужжатларни илова қилиши, агарда ушбу ёрдамчи пудратчи ташкилот ишини тўлиқ ва сифатли бажаришига шубҳа бўлиб, ишнинг бир қисмини бажаришига розилик хати бериilmagan яъни рад жавоби берилиган тақдирда, бошқа ёрдамчи пудратчи ташкилотлар бўйича таклифлар бериши ёки ўзи шахсан бажариши лозим.

4.23. Ушбу шартнома кучга кирган кундан бошлаб, қурилиш ишлари амалга оширилаётган жойлар ва унга туташ бўлган ҳудудларда барча турдаги хавфсизлик қоидаларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлашига жавобгар ҳисобланади.

4.24. Ишлар ва хизматлар бўйича пудратчи 23.12.2019 йилдаги 114-сонли “Пудратчиларнинг “Ўзбекнефтгаз” АЖ билан шартномалар тувишда Саноат ва экология хавфсизлиги, меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги соҳасидаги талаблар тўғрисидаги Низом”, ҳамда “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 24.04.2020 йилдаги 29-сонли “23.12.2019 йилдаги 114-сонли Низомга қўшимчалар” қарорларига мувофиқ талабларига риоя этиш мажбуриятини олади.

## V. БЮОРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

5.2.Ишлар бажарилиши устидан доимий техник назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш;

5.3.Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

5.4.молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.5.мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатларини тақдим этиш;

5.6.мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

## **VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ**

6.1. Пудратчи мазкур шартномани имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Пудратчи объектда куриш ва таъмирлаш ишларини 30 декабрь 2022 йил кунига тугатиб, объектни сифатли ва тўлиқ қилиб (тегишли барча ҳужжатлар билан бирга) фойдаланишга топширади. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошка сабаблар бўлганда Тошкент вилояти “Чинобод нефт базаси” МЧЖ иичи танловкомиссиясининг қарорига асосан қурилиш ва таъмирлаш ишлари муддатига ўзгартришлар киритилиши мумкин.

6.3. Пудратчи ишларни **60 кунда амалга оширади**.

6.4. Пудрат шартномаси амал қилиш муддати **2022 йил 31 декабрь**.

6.5. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## **VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР**

7.1. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асос ҳисобланади.

7.2. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича жорий (режалаштирилган) йилнинг иш қийматининг 30 фоиз миқдорида, бир ойга 30 фоиз аванс маблағи тулаб беради. Бу **238.500.000.00**(Икки юз ўттиз саккиз миллион беш юз минг) сўмни ташкил этади.

7.3. Колган маблаг ишлар бажарилиб ҳисоб фактура тақдим килингандан кейин тулаб берилади.

7.4. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 100 фоизгача доирасида амалга оширилади.

7.5. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳукукини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг колган кисми Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кешил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул килингандан кейин ишлар қийматининг 5 фоиз миқдори амалга оширилади.

7.7. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 5 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган ҳолда, шартномага ўзгартришлар киритишни талаб килиш ёки шартномани бир томонлама ўрнатилган тартибда бекор қилиш ҳукуқига эгадир.

7.7.1. Ўзбекистон Республикаси ФКнинг 637-моддасига асосан пудратчининг тежами тарафлар ўртасида тенг тақсимланади. Яъни Пудратчининг амалдаги харажатлари иш баҳосини аниқлаш вақтида (смета тузилаётганда) назарда тутилган харажатлардан кам бўлган ҳолларда, башарти пудратчининг тежами бажарилган иш сифатига таъсир этмаган бўлса пудратчининг тежами пудратчи ва буюртмачи ўртасида 50/50 кўринишида, яъни тенг тақсимланади.

## **VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ**

8.1. Буюртмачи объектда ўз вакилини - техник назоратчини тайинлади, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳукуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш обьектида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал килиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи объектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, қилингандан сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур обьект учун бириткирилган техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кунидан 25 кунигача обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган тартибда ижро ҳужжатлари билан) ойнинг 28 кунига қадар бажарилган ишлар ҳисоботини “Чинобод нефт базаси” МЧЖ га топширади.

8.5. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

8.6. Объектда умумий тартиби таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва обьектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

8.9. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.11. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вактинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан курилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12. Пудратчи ўзи томонидан курилишда кўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха хужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа хужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.13. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ёзма равишда хабардор килади.

8.14. Ёпилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқич) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қуйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), обьектга хизмат кўрсатадиган юқори ташкилоти вакили, лойиха ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёпилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул қилинадиган ишларнинг лойиха, норматив-техник хужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларнинг кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар қайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг курилиш ва таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.17. Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш хужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга ошиrsa, у агар буларнинг курилиш сифатига ва қийматига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.18. Объектда курилиш жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларнинг сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралиқ ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушбу объектдан фойдаланувчи ташкилотни жалб этилиши мумкин.

8.19. Объектнинг бажарилган ишлари ва тугалланган обьектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, микдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

8.20. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда кайта бажаришга мажбурдир.

8.21. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди.

8.22. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи курилиш-монтаж ишларини бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида ахамиятга эга бўлган ҳоллар ва холатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

8.23. Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласи.

8.24. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

## IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИКЛАШ

9. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва қайта куриш ишлари тугалланган обьект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган курилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникиси ва бошқа мол-мulk зарур даражада кўриклинишини таъминлайди.

## X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Енгиг бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари- бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий- иқтисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва кутилмаган ҳолатлардир.

10.2. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиг бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг

бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки тўлик бажармаслик учун жавобгарлиқдан озод этиладилар.

10.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгидиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

10.4. Агар енгидиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини мухокама қиласидилар.

10.5. Агар томонлар икки ой ичida келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## XI. ҚУРИЛИШ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН

### ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

11.1. Қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибиға мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Қурилиш обьекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) обьектнинг тугалланганлиги ва у қабул қилиб олишга тайёрлиги тўғрисида пудратчи ташкилотнинг хабарномасидан кейин жамоатчилик комиссия томонидан фойдаланишга қабул қилинади.

11.3. Пудратчи ташкилот жамоатчилик комиссияга куйидаги хужжатларни тақдим этади:

- қурилиш ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъуль ижрочилари кўрсатилган ҳолдаги рўйхати;

- ёнилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

11.4. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюртмачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

11.5. Пудратчи қайта куриш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Пудратчи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлик мос келишини ёзма равишида тасдиқлаши керак.

11.6. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект давлат мулкига айланади ва ўрнатилган тартибда обьектлардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

## XII. КАФОЛАТЛАР

### 12.1. Пудратчи:

- барча ишлар тўлик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

12.2. смета ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёrlари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажаришни;

12.3. ўзи томонидан қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун кўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг смета ҳужжатларига кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

12.4. смета ҳужжатларига бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлик ва сифатли қилиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларига кўзда тутилган маблаглардан амалда иктисад қилинса, ушбу маблагни айрим харажатлар бўйича қурилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплаш учун обьектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-ҳужжатларини тайёрлатиш;

12.5. шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнida обьектдан фойдаланиш жараёнida нуқсонлар ва чала килинган ишлар аниқланганда, ўз ҳисобидан бепул бартараф этишини;

12.6. обьектдан фойдаланишганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

12.7. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қайта куриш тугалланган обьектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб 12 ой этиб белгиланади.

12.8. Агар обьектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

12.9. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

12.10. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш хукукига эга.

12.11. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича тегишли судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

## XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

### 13.1 Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

13.2. ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган холда;

13.3. Пудратчи томонидан бажарилган курилиш ва таъмирлаш ишларига бажарилганлиги юзасидан хисобфактурасини расмийлаштириб бир ой ичидаги топширилмаган холда;

13.4. Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

13.05. Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

### 13.6. Пудратчи:

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳукуқига эга.

13.7. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг кўшма қарорига кўра тугалланмаган таъмирлаш 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.8. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлум қоидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.9. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган заарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.10. Шартномақуйидаги холатлардан бирон-биттаси мавжуд бўлганда, шартнома буюртмачи томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин;

13.11. Шартнома шартларига риоя қилинмаганда ёки шартнома шартлари бузилганда ёхуд бажарилмаганда шунингдек сифатли бажарилмаганда;

13.12. Пудратчи шартномада келтирилган ишларни камидаги 70%ни шахсан ўзи бажариш учун етарли куч ва воситаларга эга эмаслиги маълум бўлган вақтдан бошлаб;

13.13. Пудратчи шартномада назарда тутилган ишларнинг тўлиқ ҳажмига кўра 70% кам бўлмаган микдорини ўзи ва қолган 30% дан ошмаган қисмини ёрдамчи пудратчи томонидан амалга оширилишига рухсат беришини сўраб “Чинобод нефт базаси” МЧЖ директорига мурожаатнома ёзиш тартибини бузганда, яъни мурожаатнома умумий иш бошланишидан олдин ёзилмаганлиги;

13.14. Пудратчи умумий иш бошланишидан олдин ўз имкониятлари умумий иш ҳажмининг 70%ни шахсан ўзи томонидан амалга оширишга етмаслигини яширганлиги.

13.15. Пудратчи буюртмачига кайси ва ишларнинг канча микдорини ўзи ва канча микдорини ёрдамчи пудрат ташкилотлар томонидан килдирмокчи эканлиги хамда килдираётганлиги түгрисидаги маълумотлар ифодаланувчи ҳужжатларни буюртмачининг оғзаки ёки ёзма суроига асосан шу куннинг ўзида тақдим этиши.

## XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган заарларни қоплайди;

14.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа қонун ҳужжатларида хамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.3. Курилиш ва таъмирлаш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчиликка асосан ва шартномага мувофиқ буюртмачи олдида кўйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

- сифатсиз бажарилган курилиш ва таъмирлаш ишлари;

- обьектни хамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;

- буюртмачи билан тузилган шартнома асосида курилиш ва таъмирлашхамда бошқа ихтисослаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатлари бузилиши;

- обьектнинг смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишлари бажариш ҳажмлари ва муддатларининг бузилиши;

- курилиш ва таъмирлаш жараёнида ёки оралиқ қабул қилишда пудратчи, муаллифлик назорати ва бошқа назорат органлари томонидан аникланган конструкция ва ишлардаги йўл кўйилган камчиликлар хамда нуқсонларни бартараф этишини орқага суриш;

- шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.4. Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекиниши ёки бошқа камчиликлар мавжудлигида Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра куйидагиларни талаб қилиш ҳукуқига эга:

- нуқсонларни оқилона муддатларда ўз хисобидан бартараф этишни;

- Агар Пудратчи ташкилот нуқсонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки обьектдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи хисобидан нуқсонларни бартараф этиши хамда нуқсонларни ўз вақтида бартараф этилмаганлигидан келтирилган зарарни ва бажарилган иш қийматини ундириш ҳукуқига эга.

14.5. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қиласлинига, ўз вақтида молиялаштирганинига ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганини учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган маблаг кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.6. Пеня тўланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

14.7. Молиялаштиришнинг кечикиши “Маҳаллий бюджет ҳамда вазирлик жамғармаси” айби билан содир этилса, молиялаштириш бўйича “Буюртмачи” “Пудратчи” нинг олдида жавобгар бўлмайди.

14.8. Пудратчи томонидан обьектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бирок бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.9. Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

14.10. Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.11. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш хужжатларига мувофик бўлмаса, у ҳолда Буюртмачининг холосаси асосида обьектни кабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ундириш хукуқига эга.

14.12. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганини учун мазкур бандда назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни коплайди.

14.13. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий ҳисоб-китобларлардан аниқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбуриятларини ўз вақтида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш хукуқига эга.

14.14. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганини учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

## XV. Коррупцияга қарши курашиш ва бошқа шартлар

15.1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Узбекистон Республикасининг Коррупцияга қарши курашиш тутрисидаги конун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширилди, шу жумладан пора беришни таклиф қилмайди, товламачилик қилмайди, бевосита ёки билвосига пора олишга розилик бермайди ёки ҳодими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир етиши ёки содир етмаслиги шартлини учун моддий имматликларни ёки мулкий наф олмайди. Томонлар ушбу ҳаракатларга йул кўймаслик бўйича чоралар қурилишига кафолат беради.

15.2. Ушбу Шартнома икки асл нусхада ўзбек тилида тузилган бўлиб, ҳар бир томон бир хил қонуний кучга эга булган нусхага эгалик қиласи.

15.3. Ушбу шартнома томонларнинг келишуви билан ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин. Томонлардан бирининг ташаббуси билан ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган ҳолларда ва тартибда бекор цилиниши мумкин.

## XVI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларидан белгиланган тартибда суд томонидан кўриб чиқилади.

## XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш обьектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш хукуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва кўшимчалар, агар улар ёзма шаклида расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

16.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага кўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечикиришта ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур пудрат шартномаси томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча амал қиласди.

16.8. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 нусхада тузилди.

### XVIII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

#### “БУЮРТМАЧИ”

Номи: «CHINOBOD NEFT BAZASI» МЧЖ  
Манзили: УЗБЕКИСТАН, Ташкентская область  
Банк номи: ТОШКЕНТ Ш., "ОРИЕНТ ФИНАНС"  
ХАТБ ШАЙХОНТОХУР ФИЛИАЛИ  
Шхр: 20210000200190664001  
МФО: 01115, СТИР: 200605317  
ХХТУТ:

Бошлиқ:  С.Т. Муржанов

Юрисконсульт



#### “ПУДРАТЧИ”

Номи: «URGANCH QUVUR TA'MIR» МЧЖ  
Манзили: Урганч ш. Ёшлиқ кучаси 35 проезд 2  
Банк номи: АТБ ККБ Хоразм оғиси бўлими  
Х/Р: 20208000804754857001  
МФО: 01037  
ИНН: 301 059 945  
OKOJIK 61126

Х.А.Исмаилов

